


РФ Президенти: Россия ва ислом дунёсининг қараши кўпчилик масалаларда бир-бирига яқин



11:04 / 13.11.2018 2698

Россия Президенти Владимир Путин Махачқала шаҳрида Татаристон Президенти раислигида ўтказилаётган "Россия - Ислам дунёси" стратегик қараш гуруҳи (СҚГ)нинг IV йиғилиши қатнашчилари номига қутлов жўнатди. Бу ҳақда Islam-today нашри хабар берди.

Хабарда айтилишича, қутлов матнида Россиянинг ҳам мусулмон мамлакатлари билан икки томонлама даражада, ҳам Ислам ҳамкорлиги ташкилоти билан алоқалар доирасида дўстона муносабатларнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлиги таъкидланган.

"Бизнинг қарашларимиз глобал ва минтақавий кун тартибида турган кўпгина долзарб масалалар бўйича жуда ҳам яқин. Биз биргаликда қонун устуворлигига асосланган ва ҳар қандай камситишларнинг шакллари ва куч, иқтисодий ва ахборот босимидан холи бўлган адолатли ва демократик дунё тартибини ўрнатиш ғоясини илгари сураемиз", - деди Россия етакчиси.

Шунингдек, матнда СҚГнинг мазкур учрашувида кўтарилаётган муаммолар - ислом таълимини ривожлантириш, радикализм ва экстремизм билан кураш соҳасида ҳаракатларни мувофиқлаштиришнинг муҳимлиги таъкидланади. Давлат раҳбари СҚГ иштирокчилари йиғилиш доирасида фойдали амалий тажриба алмашишлари ва биргаликдаги ҳамкорликнинг истиқболли шакллари топишларига умид билдирди.

"Россия - Ислом дунёси" СҚГ йиғилишининг асосий мавзуси «Ёшларга таълим бериш воситасида экстремизмнинг олдини олиш» деб номланади.

Islom.uz портали таҳририяти